
ВИЛОЯТ ҲОКИМИ ХАЙРУЛЛО БОЗОРОВГА TÜRKSOY МЕДАЛИ ТОПШИРИЛДИ

Туркий давлатлар ўртасида санъат ва маданият соҳаларидаги ҳамкорликни ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаси учун вилоят ҳокими Хайрулло Бозоровга Халқаро Туркий маданият ташкилоти – TÜRKSOYнинг медали топширилди.

Қўқон шаҳрида бўлиб ўтаётган иккинчи Халқаро ҳунармандчилик фестивали доирасида вилоятимизда ташкил этилаётган “Туркий дунё опера кунлари” ҳамда “Туркий дунё мода ҳафталиги”да иштирок этиш учун Фарғонага келган Халқаро Туркий маданият ташкилоти Бош котиби Султанбай Раев вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган учрашувда ушбу медални Хайрулло Бозоровга топширди.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#), [Telegram](#), [Facebook](#), [YouTube](#), [Instagram](#)

2023-09-23 15:03:06